201
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 41 (1262) ● 2019-yil 11-oktabr, juma

## МДҲ саммити олдидан самарали учрашувлар

Ашхобод, 10 октябрь. ЎзА махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 10 октябрь куни Ашхобод шаҳрига келди.**

Ашхобод халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашди.

Суҳбатда давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига самарали раислик қилгани билан табриклаб, ташкилот саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрида Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзаро алмашинувларни фаоллаштириш ҳамда турли тармоқлар учун истиқболли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 11 октябрь куни бўлиб ўтади.

Жаҳон миқёсида жадал ўзгаришлар рўй бераётган, глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг аҳамияти нақадар долзарб эканини даврнинг ўзи исботламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган ушбу платформа бугунги кунда аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш ва долзарб мавзулар муҳокамаси жараёнида фикр алмашиш сингари имкониятларни тақдим этмоқда.

Мажлисда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Саммит якунида бир қатор ҳужжатлар, жумладан, 2020 йилда МДҲда раисликнинг Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор, Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳамжамиятга мурожаати, 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ҳамда зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастурини қабул қилиш кўзда тутилган.

**ЎзА**



## ҲУКУМАТ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МУАММОЛАР

### тараққиётга тўсиқ бўлишига "Адолат" партияси йўл қўймайди

3

### ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

8 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, партия экспертлари ва фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## Дон нархини барқарорлаштириш аҳоли чўнтагидан бўлмаслиги лозим

Йиғилишда дастлаб жорий йилнинг 2 октябрь куни Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан Олий Мажлисга юборилган "Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида"ги мурожаатномаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан жорий йилнинг 3-6 октябрь кунлари ушбу мурожаатномада кўтарилган масалалар ва таклифлар бевосита жойига чиқиб, дон корхоналари, фермерлар ҳамда аҳоли билан учрашган ҳолда батафсил ўрганилди.

2

**Шифокорларга тажовуз қилганлик учун жазо чоралари кучайтирилмоқда**

2

### САЙЛОВ — 2019

## Имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига топширилди



Сайловолди кампаниясига старт берилганидан сўнг Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан имзо варақаларини тўлдириш бошланди.

Бу вақт ичида Сайлов кодексига мувофиқ партиямизни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг 44 мингдан зиёд имзоси тўпланди. Имзо йиғиш асносида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ошиб, ҳуқуқий маданияти юксалганлиги, шу билан бирга, "Адолат"нинг хайрихоҳлари сафи ортганлиги яққол намоён бўлди.

Жорий йилнинг 10 октябрь куни "Адолат" СДП партиянинг сайловда иштирок этишининг асоси сифатида сайловчилар томонидан имзоланган имзо варақаларини ва қонунда белгиланган бошқа ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати**

### ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Адлия вазирлигида "Суд-ҳуқуқ тизимидаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш чоралари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази ҳамда Олий суд вакиллари иштирок этишди.

## «АДОЛАТ» халқнинг судлар орасида «копток» бўлишига чек қўяди

Давра суҳбатида суд-ҳуқуқ соҳасида учраётган муаммолар таҳлил қилинди, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш хусусида сўз борди.

Суд-терговамалиёти ва қонун ҳужжатларининг таҳлили ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқот натижалари суд амалиётида қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатди.

7

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**1-Нукус сайлов округи**
(**Маркази** — Нукус шаҳри, Нукус тиббиёт коллежи биноси).
Нукус шаҳри: "Чимбой чойхона", "Халқлар дўстлиги", "Шиғис", "Шоирлар овули", "Тинчлик", "Дўстлик", "Сарбиназ", "Тунғиш қонис", "Қурилишчи", "Қоскол", "Алмазар", "Ели абат", "Дарбент", "Қум овул", "Жеке терек", "Туран", "Темир йўл", "Орнек", "Нур", "Бақшылық", "Жана базар", "Қизил қўм", "Жайхун", "Наврўз", "Наўқан боғ", "Жувозчи", "Бестобе", "Боз овул", "Ақ отаў", "Гузар", "Берекет", "Ғарезсизлик", "Наўбаҳар", "Ватанпарвар", "Жипек жолы", "Дослық гузары", "Гулзар", "Теле орай", "Қаратаў" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Давоми. 4,5,6,7-бетларда

# Дон нархини барқарорлаштириш аҳоли чўнтагидан бўлмаслиги лозим

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўрганишларда маълум бўлишича, ҳудудларда соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор ижобий ишлар билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди. Жумладан, дон, ун ва нонни сотишга, шунингдек, донни қайта ишлаш тармоғига нисбатан бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Йиғилишда қайд этилишича, айрим фермер хўжаликларининг ғалла етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ўз меҳнатларига яраша даромад олишлари ва шу орқали ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қизиқишни ошириш бугунги кунда соҳадаги энг муҳим масала ҳисобланади.

Фракция аъзолари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштириладиган дон ва уни қайта ишлашдан олинадиган ун, қолипли нон ва бошқа маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш, шунингдек, ушбу маҳсулотларга нарх белгилашнинг амалдаги механизмини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлашди. Фақатгина ушбу жараёнга шошма-шошарлик билан эмас, босқичма-босқич тарзда ўтиш ва юзага келиши мумкин бўлган барча хавф-хатарларни эътиборга олиш лозимлиги таъкидланди.

Шундагина ғаллага харид нархи белгилаш амалиётидан воз кечиб, бозорда шаклланган талаб ва таклиф асосида эркин нархларда сотиш тизимини яратишни таъминлаш масаласини кўриб чиқиш мумкин. Бунинг учун эса ушбу соҳада ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

"Адолат" СДП депутатлари ушбу механизмни амалиётга жорий этишда дон, ун ва нон маҳсулотлари нархлари эркинлаштирилиши жараёнида **аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини қўшимча харажатлар билан таъминлаш чоралари кўрилган тақдирдагина** мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашларини қайд этишди.

# Шифокорларга тажовуз қилганлик учун жазо чоралари кучайтирилмоқда

**2018 йил 3 август куни Фарғона вилояти Олтиариқ туманида фуқаро Н.Мирзажалилов тез тиббий ёрдам шифокори Ш.Сирожиддиновга ҳамла қилиб, унга ўртача оғир даражадаги тан жароҳати етказган.**

**2017-2018 йиллар давомида тиббиёт ходимларига нисбатан 400 дан ортиқ ҳолатда тажовузлар қилинганлиги қайд этилган. Улардан фақат 40 та ҳолатда тиббиёт ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишган.**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунчиликда фақат соғлиққа зарар етказган шахсни жавобгарликка тортиш бўйича умумий нормалар белгиланган.

Бироқ тиббиёт ходимларига нисбатан ҳужум қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи, шунингдек, ўз вазифасини бажараётган тиббиёт ходимларини беморлар ва уларнинг яқин қариндошларининг тажовузидан **ҳимоя қилувчи махсус нормалар мавжуд эмас.**

2019 йил 8 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ушбу масала муҳокама марказида бўлди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари Шуҳрат Якубов ва Қодир Жўраев томонидан ишлаб чиқилган "Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида ўз хизмат вазифасини олиб бораётган тиббиёт ходимларига тажовуз қилган шахсларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда. Чунки "Адолат" социал-демократик партияси электорати ҳисобланган тиббиёт ходимларининг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга уриниш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, Ички ишлар, Мажбурий ижро бюроси ёки бошқа давлат ҳокимияти органлари ходимларига тажовуз қилганлик учун оғирроқ жазо чоралари қўлланилмоқда. Халқимиз саломатлиги йўлида ўз хизмат вазифаларини бажараётган тиббиёт ходимларига тажовуз учун эса нисбатан енгилроқ жазо чоралари қўлланилмоқда.

"Адолат" СДП соғлиқни сақлаш ходимларининг касбий фаолият олиб боришлари учун етарли шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш орқали сифатли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш тарафдоридир. Бундан ташқари, депутатлар бу каби ташаббуслар сонини кўпайтириш ҳамда рақобатдош партиялар сингари қуруқ ваъдалар ёки "осмонўпар" таклифлар беришга боғланиб қолмасдан **реал иш** ва **амалий натижалар** учун ҳаракат қилиш лозимлигини қайд этишди.

Йиғилиш якунида электоратимиз вакиллари — шифокорлар ҳимоясига қаратилган қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

**Баҳром БУРХОНИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари**

## ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ

Фуқаро ипотека кредити асосида уй-жой харид қилади. Доимий иш жойи ва даромади бор. Уч-тўрт йил давомида кредит маблағларини ўз вақтида тўлаб келади. Дейлик, кредит истеъмолчиси айрим сабаблар, яъни ишдан бўшагани ёки соғлиғи ёмонлашгани учун маълум ой кредит учун тўловни амалга ошира олмади. Дарҳол банкдан устма-уст қўнғироқлар, аввал ўртача, кейин қўпол муомала, уйни тортиб олиш ва судга топшириш ҳақидаги иддаолар... Банкдан қарздор бўлган мижоз яна кимдандир қарз-қавола қилиб, бир амаллаб уни қоплайди. Афсуски, шундан бошқа чораси ҳам йўқ. Ушбу жараёнлар кўпчилигимиз учун таниш. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси халқимизни қийнаётган мазкур муаммони бартараф этиш бўйича амалий ташаббусга қўл урди.

# Партия кредит тўлолмаётганларга ёрдам беради

## Аҳолини банклар "ҳамла"сидан қутқарамиз



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқларидан фойдаланиб, "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Уй-жой харид қилиш учун жалб этиладиган ипотека кредитлари фуқароларнинг кўп йиллик меҳнат фаолиятини қамраб оладиган, узоқ муддатли ва қатъий мажбурият эканлигини инобатга олиб, мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда фуқароларга ипотека кредитларини бериш билан деярли барча тижорат банклари шуғулланмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2017 йилда 2 триллион 826 миллиард сўмлик 25970 та, 2018 йилнинг 1 август ҳолатига 1 триллион 250 миллиард сўм миқдорида 13 930 та ипотека кредитлари ажратилган.

Депутатлар таҳлилига қараганда, қонун ҳужжатлари ва амалиётни ўрганиш мазкур соҳа мамлакатимизда ҳали талаб даражасида ривожланмаганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири — ипотека кредитларини бериш тартиби ва шартлари фуқаролар учун бир қанча қийинчиликларни юклаётганлигида бўлмоқда. Масалан, ипотека кредитини олишдан олдин сотиб олинаётган уй-жой нархининг 10 фоиздан 25 фоизгача олдиндан тўлаб бериш мажбурияти қўйилганлиги, кредит олингандан сўнг уни олган шахснинг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг моддий аҳволи узрли сабабларга кўра ўзгарганлиги муносабати билан кредит шартларини қайта кўриб чиқиш *(реструктуризация қилиш)* имконияти мавжуд эмаслиги, **фуқаролар манфаатлари талаб даражасида таъминланмаётганидан** далолат беради.

Ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасида "Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасига қўшимча киритиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасида ипотека олувчи мажбуриятларини бажаришига касаллиги ёки ишдан бўшаганлиги ёхуд фарзанд кўрганлиги учун таътилга чиққанлиги сабабли имконияти чекланган ҳолатларда тўловлар учун таътиллар (ипотека таътиллари) берилиши кўзда тутилган. Бунда таътиллар миқдори уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга, лекин ипотека даврида уч мартага қадар берилиши, бироқ бир йилда бир марта кечиктириш ҳуқуқи шартноманинг шартида кўрсатилиши белгиланмоқда.

Таҳлилларга қараганда, хорижий мамлакатларда ҳам ипотека кредитлаш иқтисодиёт ўсишининг асосий манбаларидан бири бўлиб, мазкур тизимда кредитни реструктуризация қилишнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: кредит муддатини узайтириш, кредит тўлашнинг имтиёзли муддатини белгилаш (унда кредит олган шахс фақатгина кредит фоизини тўлайди ёки мазкур фоизларни ҳисоблаш тўхтатилади), қарзни қайта молиялаштириш (қарзни қайтариш учун қулай шартларда янги кредит расмийлаштирилади). Масалан, Исроил давлатининг шу йўналишдаги қонунида ипотека олувчи мажбуриятларини бажаришига касаллиги ёки ишдан бўшаганлиги ёхуд фарзанд кўрганлиги учун таътилга чиққанлиги сабабли имконияти чекланган ҳолатларида кредит қайтарилишини кечиктириш юзасидан таътил бериш кўзда тутилган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ипотека кредити олган истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш амалиёти хорижда ҳам кенг қўлланилиб келинади. «Адолат» СДП депутатлари томонидан таклиф этилаётган қонун лойиҳаси ипотека кредити олган истеъмолчиларга зарур қулайликлар юзага келиши, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати**

## ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Айрим касб ва йўналишлар бўладики, унда йўл қўйилган хатони маълум бир вақт ўтгач ўрнини тўлдириш ё бўлмаса тўғрилаш мумкин. Аммо сиёсат соҳасидаги инсон учун ҳар бир хато ва камчилик ўчмас из қолдиради.

Шундай экан, ҳар бир қўйилган саволга албатта, ўзининг жавоби ҳам бўлиши ва иккинчи томоннинг куч ва салоҳиятини таҳлил қилган ҳолда тахминий жавоб йўлларини кутиши лозим. Баъзан эса рақиблар сиз ўйлаган даражада бўлмаслиги ҳам мумкин.

# Соғлом рақобат учун муносиб рақиблар керак

## миллийликни пеш қилиб, моҳиятни унутувчилар эмас!

Ўтган ҳафтада "Миллий тикланиш" партияси нашрида рақиб партияларни танқид қилиб эълон қилинган мақолага муносабат билдиришимиздан мақсад, такрор айтаман, ўзим партияда фаолият юритганим учун эмас. Аксинча, бугунги очиқ ва ошкоралик руҳида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида партияларнинг бир-бирлари билан кўр-кўрона электорат талашишини эмас, шахси ва фуқаролиги аниқ бўлган юртдошларимиз манфаатларини ўйлаб, ҳар бир инсон манфаати учун курашишини истаганимдан.

**Биринчидан,** мен мақоламда "Миллий тикланиш" ДПга аъзо талабалар сони сунъий тарзда ўсганлигини асоссиз тарзда келтирмадим, шунчаки танқидий мақола муаллифи Равшан Маҳмудов "Адолат" СДП сафидаги ўқитувчиларни мажбурий аъзо қилган мактаб директорининг номини очиқламагани учун ўзининг мисолига яраша ёпиқ ҳолатда қолдирдик. Аминманки, мен келтирган мисол жуда кўплаб олий таълим даргоҳларида учраб туради.

**Иккинчидан,** ЎзА сайтида берилган мақолани ёзган Ҳ.Назаров ўзи яқиндан гувоҳи бўлмаган ҳолатларга кўр-кўрона ёндашган. Агар Р.Маҳмудовнинг "Миллий тикланиш" газетасида эълон қилинган мақоласи билан Ҳаким Назаров яқиндан, ҳеч бўлмаганда, бир бор танишганида эди, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллик ҳолатига партия аъзолари сони "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳисоботида 250 минг эмас, 301 224 нафар деб берилганлигини кўрган бўларди. Шу ўринда савол туғилади: шифокор дўстимиз фақатгина "Адолат" СДП фаолиятини тўлиқ кузатиб боргани учун рақамларда адашдимикан?

**Учинчидан**, муаллиф яқинда партияларнинг аёллар масаласига оид фаолияти муҳокама қилинган бир йиғинда иштирок этганлигини айтиб, "адолат"чилар шаънига билдирган туҳмат тарзидаги фикр-мулоҳазасини умуман асосламаган. Буни қандай тушуниш мумкин?

Аслида, бугунги кунда "Адолат" СДП сафида фаолият олиб бораётган аёлларнинг фаоллиги шундай юқори даражага кўтарилдики, "Адолат" СДП сафида бўлган фаол аёллардан бири бугунги кунга келиб "Миллий тикланиш" ДПнинг фаол аёлларига бошчилик қилмоқда.

**Тўртинчидан,** яқинда "Миллий тикланиш" ДП фаоллари чет элдаги маҳбусни озодликка чиқариш масаласида ташаббус кўрсатаётгани ҳақида сўз юритилган. Ўтган сафарги мақолада эса рақамлардан иборат талабалар сони "байроқ" қилинганди. 20 йиллик тарихга эга партия фаолиятида мисол қилиб келтириш учун халқ манфаатини ўзида намоён этган амалий ишлардан мисоллар топишга ҳафсала қилишмагандир балки. Шифокор дўстимиз агар чиндан партиялар фаолиятидаги амалий ишларга қизиқса, ўзи аъзо бўлган ва бўлмаган партиялар фаолиятида ҳам ҳаётий мисолларнинг гувоҳи бўлар эди.

**Бешинчидан,** сиёсий жараёнларни бевосита таҳлил қилиб борадиган мутахассисларга аён бўлган бир тушунча бор. Айрим фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ҳал этиш ва ислоҳотлар учун, аввало, жамиятда шунга шароит етилиши зарур. Акс ҳолда бошланган иш ижобий эмас, аксинча, салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатларга мисоллар келтириш мумкин. Ана шундай мисоллардан бирини айтиб ўтсак. Ҳ.Назаров 2004 йилда "Адолат" СДП томонидан илгари сурилган давлат хизматчилари фаолиятини белгиловчи қонун қабул қилинишига доир ташаббусимиз ҳақида танқидий фикр билдирган. Бугунги кунга келиб давлат хизматчилари фаолиятини белгиловчи қонун қабул қилинишига жамиятимизда зарур ижтимоий муҳит шаклланганлиги боис ушбу ташаббус амалга ошмоқда, яъни "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Яна бир мисол. "Адолат" СДПнинг 2009 йилги Сайловолди дастурида давлат бошқарувида ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилини жорий қилиш ташаббуси ҳам илгари сурилган эди. Бугунги кунда бу тизим ҳаётимизга тўлақонли жорий қилинди. Вазирлик ва идоралар, туман-шаҳар даражасидаги ҳокимликларнинг парламент ва халқ вакиллари олдида ҳисобот бериш амалиёти татбиқ этилди.

"Адолат" СДП 15 йил ўтса-да, ўз олдига қўйган мақсадига эришмоқда. Мақола муаллифи ҳисобланмиш шифокорни партия ҳақидаги маълумотлар билан "қуроллантирган" рақибларимиз "Миллий тикланиш" ДП ташкил топганидан буён тилимизнинг бузилиши, неча минг йиллик бўлган шевалардаги сўзларнинг йўқ бўлиб кетаётгани, республикамиз бўйлаб эълон қилинаётган рекламаларда рус ва инглиз тилларида ўз ўрнида тўғри ёзилиб, айнан ўзбек тилида имловий хатолар билан ёзилаётганлик ҳолатлари, партия ташаббус кўрсатиб қабул қилган энергетик ичимликлар рекламасини чеклашга доир қонун қабул қилингани билан, аксинча, бундай рекламалар сони ортиб бораётгани, айниқса, мактаб ёшидаги фарзандларимиз бундай ичимликларни истеъмол қилиши натижасида соғликларини йўқотаётганлиги, бундай ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш учун "Адолат" СДП мактаблардаги тиббиёт ва стоматология хоналарини ташкил этиш ташаббусини илгари сураётгани ва амалий жиҳатдан бунга эришганлиги борасидаги маълумотлар билан таништирмабди-да.

Шунингдек, айнан "Миллий тикланиш" ДП сиёсий майдонга чиқиб келганидан буён ўтган давр мобайнида юртимиздаги моддий ва маънавий меросимиз ачинарли ҳолатга келиб қолганлиги, энг ёмони, энди қанчалар эътибор қаратилгани билан баъзи йўқотишлар ўрнини қоплаб бўлмаслиги ҳақида нега лом-мим дейилмаган?

Шу ўринда айтиб ўтишим жоизки, "Адолат" СДП нафақат ўз сайловчиларига берган ваъдаларни бажаришни, балким халқимиз ишончини оқлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Масъулларнинг эътиборсизлиги туфайли Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги "Чашмаи Айюб" мақбараси пештоқининг бир қисми 2011 йил таъмирлаш баҳонаси билан Тошкент шаҳрига келтирилади ва ноқонуний йўл билан Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилади. Партиямиз томонидан тузилган ишчи гуруҳининг Вобкент тумани аҳолиси билан олиб борган юзма-юз мулоқотларида улар мазкур мақбара пештоқини жойига қайтариш юзасидан мурожаат қилган эди. Мазкур мурожаат Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев томонидан ўрганилиб, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови чиқарилди. Натижада 8 йиллик "жаҳонгашта" кошин Буюк Британиянинг "Mayfair" галереясида сотувга қўйилгани аниқланиб, юртимизга қайтарилди. Ўз дастурий вазифаларидан бироз ташқари бўлган, бироқ фуқароларни ўйлантираётган ишлар "Миллий тикланиш" ДП вакиллари томонидан ҳам амалга оширилганини айтиб ўтиш мумкин. Аммо биз бу мисолни келтиришимиздан мақсад, "Миллий тикланиш" ДП ўзгаларнинг сайловчиларга берган ваъдаларини таҳлил қилишдан кўра ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифалар ижроси ва халқимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган муаммолар ечими юзасидан бош қотирса, ўйлаймизки, адолатдан бўларди. Бу эса "Адолат" СДП жорий йилда сайловларни муносиб рақиблар билан ўтказишига хизмат қилади.

Яна муаллиф таъкидлайдики, "Сайловчини ўз томонига оғдириш учун турли услублардан, замонавий "пиар-технология"лардан кенг фойдаланилади." Аммо эскича услублардан эмас, чунки ҳар бир жамиятнинг ўз талаби бор. Бугунги очиқлик-ошкоралик ҳукм сураётган бир даврда тарихдан хулоса чиқариб, келажак билан яшаш муҳимроқдир. Шу боисдан биз ҳам партия лидерининг ОАВдаги бир чиқишига тўхталиб ўтсак. Жорий йил 26 сентябрь куни togri.uz ҳамда 5 октябрь куни kun.uz сайтлари мухбирлари билан партия раҳбари Алишер Қодиров ўртасидаги суҳбатлар эълон қилинди. Мазкур суҳбатларда партия лидери "Миллий тикланиш" ДП бу йилги сайловларда мактабгача таълим тизими қамровини кенгайтириш масаласини ҳам илгари сураётганлиги, бу масала **ўтган чақирикда** ҳам партия томонидан илгари сурилганлигини таъкидлаган. Аммо барчамизга маълумки, "Миллий тикланиш" ДП томонидан **2014** йилда эълон қилинган Сайловолди дастурида мактабгача таълим тизими ҳақида бирор ғоя, вазифа ўз ифодасини топмаган. Аксинча, "Адолат" СДП 2006 йилдан буён ўз Сайловолди дастурларида мактабгача таълим тизими қамровини кенгайтириш, алоҳида вазирлик ташкил этиш ташаббусини кўтариб келганини эслатиб ўтмоқчимиз. Ажабо, "Миллий тикланиш"чилар халқ эътиборини ёлғонлар билан қозонмоқчими ёки бошқа сиёсий кучнинг ташаббусларини ўзлаштириш орқали сайловларга кириб бормоқчими?

"Адолат" СДП томонидан эса ўтган вақт мобайнида МТМлар фаолиятини ўрганиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳлар томонидан МТМда тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли овқатланиш тизимини йўлга қўйиш масалалари ўрганилди ҳамда болажонларнинг жисмоний-ақлий ривожланиши учун республикамиздаги 300 дан ортиқ МТМда шахмат-шашка майдончалари, Конституцияга бағишланган кўргазмали хоналар ташкил этилди.

Тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларга тиббиёт ходими, яъни муаллиф Ҳ.Назаров бугунги кунда соҳадаги ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб, бундай фикр билдириши адолатдан эмас. Чунки сўнгги уч йилда юртимизда тиббиёт соҳаси ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кўплаб тарихий ишлар амалга оширилди. Улардан айримларини мисол келтирсак, Жумладан, республика аҳолисига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган 10 та Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, барча вилоятларда кўп тармоқли тиббиёт ва кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг моддий-техник таъминоти тўлақонли янгидан йўлга қўйилди. Ушбу марказларда бугунги кунда йилига ўртача 80 мингдан зиёд бемор даволанмоқда. Уларнинг 20-30 фоизини қонуний тартибда имтиёзга эга юртдошларимиз, шу жумладан, ногиронлиги бўлган фуқаролар ташкил этади.

Шунингдек, фуқароларнинг репродуктив саломатлиги, инсон органлари трансплантациясига доир қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Муаллиф соғлиқни сақлаш соҳаси вакили бўла туриб, бу ислоҳотларни билмасдан, "Адолат" СДП фаолияти ёки Наримон Умаровнинг "Ишонч" газетасидаги чиқишини юзаки таҳлил қилганлиги жуда-жуда ажабланарли.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати масъул ходими**

# ҲУКУМАТ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МУАММОЛАР

## тараққиётга тўсиқ бўлишига “Адолат” партияси йўл қўймайди

**Аввал хабар қилганимиздек, айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан долзарб мавзуларда, халқ манфаати, аҳоли истакларини ўзида мужассам этган шиорлар асосида митинг, акция ва сайллар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда юртдошларимизни ташвишлантираётган айрим долзарб муаммолар ҳукумат эътиборидан четда қолаётганлиги танқид остига олинди.**

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

**ХОРАЗМ.** Янгиариқ туманидаги маданият ва истироҳат боғида “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шиори остида ўтказилган акция ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Тадбирда партия депутатлари, фаоллар, кўп сонли хайрихоҳлар ҳамда оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

“Адолат” партиясининг дастурий ғоялари, устувор вазифаларини кенг тарғиб қилишга бағишланган мазкур тадбирнинг биринчи қисми митинг билан бошланди. Унда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров сўзга чиқди.

Партия раҳбари жамият ҳаётида мавжуд муаммолар, ислоҳотлар жараёнига салбий таъсир қилаётган долзарб масалалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишини амалга оширишда партия олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

— Жамиятда адолатни ўрнатиш учун, энг аввало, адолатни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилотларда адолатни таъминламоғимиз лозим, — деди Н.Умаров. — Экспертларимиз суд-тергов амалиёти ва қонун ҳужжатларининг таҳлили ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларида суд амалиётида қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини ўрганишди.

Мавжуд камчиликлар сабабларини аниқлаш, тегишли қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, олдимизда турган муҳим вазифаларимиздандир. Бу саъй-ҳаракатлар ҳар бир соҳада, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши лозим.

Шу мақсадда янги Сайловолди дастуримизда муҳим вазифаларни белгилаб олмоқдамиз.

Хусусан, Тергов қўмитаси ташкил этиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Натижада прокуратура, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизматидаги тергов бўлимлари тугатилади. Пировардида тергов ишлари адолатли ва қонуний ўтказилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслиги таъминланиб, мазкур жараёнда идоравий манфаатлар аралашишининг олди олинади.

Бугунги кунда фуқаролар сонига нисбатан адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган адвокатлар кам эканини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бу эса фуқароларнинг суд жараёнларида, ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 4000 га яқин адвокат фаолият олиб бормоқда. Яъни ўрта ҳисобда 8200 нафар аҳолига бир адвокат тўғри келади. Аҳолининг адвокатлар билан таъминланганлик даражаси бўйича биз нафақат илғор ғарб давлатлари, ҳатто собиқ иттифоқ таркибида бўлган қўшни мамлакатлардан ҳам анча ортда қолганмиз. Мисол учун, жаҳонда энг юқори кўрсаткич Исроилга тегишли — 136 кишига бир адвокат. Шунингдек, Туркияда 665 нафар кишига биттадан, Эстонияда 1300 кишига, Украинада 1200 кишига, Грузияда 700 кишига, ён қўшнимиз Қозоғистонда эса 3932 кишига биттадан адвокат тўғри келмоқда. Уларнинг хизмат кўрсатиш сифати эса яна бир алоҳида мавзу.

Адвокатларнинг сонини оширмасдан туриб фуқароларни ҳимоя қилиш ҳақида гапириб бўлмайди.

Тадбир давомида партия фаолиятига оид лавҳалар, ғоявий чиқишлар, “Ёш адолатчилар” қаноти вакилларининг партияга доир викторина саволлари, вилоят партия кенгаши қошида ташкил этилган “Истеъдод” клуби аъзолари ҳамда Янгиариқ туман болалар спорт мактаби ёш спортчиларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Юзма-юз мулоқотлар ҳам партияга халқ ўртасида ишонч ортиб бораётганини яққол ифодалади.

Иштирокчилар мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ўсиши, таълим олиши, комил инсон бўлиб вояга етиши учун ҳар томонлама имкон яратиш, навқирон авлод вакиллари инсон омилига жиддий салбий таъсир қилувчи терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, коррупция, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби иллатлар домига тушиб қолишига йўл қўймаслик шарт эканини таъкидлашди.

**БУХОРО.** Когон шаҳрининг “Темирйўлчилар” истироҳат боғида Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш — давр талаби” мавзусида митинг ташкил этилди.

Истироҳат боғи майдони партия ходимлари, депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ҳамда тиббиёт ходимлари билан гавжум бўлди. Митингда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соҳада мавжуд камчиликларни қайта ўрганиш, уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов барчани мақсадларимиз йўлида бирдамликка чақирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев партия томонидан илгари сурилаётган бир қатор ғоялар, ҳаётий вазифалар ҳақида сўз юритар экан, ҳукумат бу ғояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида етарли маблағ ажратмаётгани, айрим вазифалар эътибордан четда қолиб кетганини қайд этди.

Албатта, бугунги сайловчи учун партиянинг ташаббуси ҳамда халқ овозини бирлаштирган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш, қулайликлар яратилишини таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади. Бу эса катта меҳнат ва интилишни талаб этади. Ташкил этилган митинг барчанинг эркин фикрини билдириш учун имкон бўлди. Тадбир моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт соҳасига доир фаолиятга нисбатан баъзи эътирозлар очиқ-ойдин билдирилди.

— Партиянинг ушбу тадбири бизни руҳлантириб юборди. Бугун халққа ўзи нима керак? Унинг учун соғлом ҳаёт ва тинчлик энг муҳими ҳисобланади. Шу боис тиббиёт соҳасида мавжуд камчиликларни батамом бартараф этиш вақти келди. Соҳада мавжуд камчиликлар, яъни қоғозбозликка чек қўйган ҳолда ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш даркор. Бу эса бизнинг вақтдан унумли фойдаланишимизни таъминлаб беради. Биз кўпроқ бемор билан самарали ишлаш тизимини йўлга қўйишимиз шарт, — деди Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси олий тоифали ҳамшираси Шаҳноза Мадиева.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси”да ахборот-коммуникация технологиялари ва “электрон соғлиқни сақлаш”ни кенг жорий этишга доир белгиланган вазифалар қоғозда қолиб кетмаслиги, яъни тўлиқ ижро этилиши шарт.

Тадбир давомида патронаж ҳамширалари ҳам ўзларини қийнаётган муаммоларни кўтаришди. Хусусан, уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш, юкламаларини қайта кўриб чиқиш, патронаж хизмати кўрсатувчи ходимларни транспорт воситалари билан таъминлаш, йўл ҳақи компенсациясини белгилаш ёки тариф ставкасини қайта кўриб чиқиш, энг муҳими, тиббиёт ходимларининг мажбурий тиббий кўригини бепул асосда ташкил этиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари айтиб ўтилди.

Митинг давомида айнан тиббиётда коррупциянинг олдини олиш масаласи ҳам кўтарилиб, ушбу ҳолатнинг салбий оқибатлари “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари томонидан саҳналаштирилган бадиий чиқишлар орқали очиб берилди. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги викторина ўйинлари ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Иштирокчиларнинг фикрича, ушбу тадбир барчани фаолликка, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга ундади. Муаммолар очиқ айтилди, уларни ҳал этишда тўсиқ бўлаётган омилларга эътибор қаратилди, таклифлар ўртага ташланди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам жойларда дастурий ғоялари ва ўз олдига қўйган вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш, мамлакат тараққиётига тўсиқ бўлаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ва керак бўлса, жавобгарлигини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг бири Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Элликқалъа тумани марказида жойлашган Жалолиддин Мангуберди номидаги истироҳат боғида “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шиори остида акция шаклида ташкил этилди.

Дастурий ғоя ва мақсадларни омма орасида кенг тарғиб қилишга бағишланган мазкур тадбирда партия Сиёсий Кенгаши, ҳудудий ташкилот вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар ва барча кўнгиллилар иштирок этишди.

Истироҳат боғи ва унинг атрофидаги майдон кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар. ёшлар, хотин-қизлар ва маҳалла фаоллари билан гавжум бўлди.

Акция давомида партия фаолиятига оид лавҳалар, ғоявий чиқишлар, партия Сиёсий Кенгаши юристи Б.Иброҳимов ва Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Н.Қайпбергеновнинг таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ каби соҳаларни янада тараққий эттиришда партиянинг ўрни ва иштироки ҳақидаги фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Юзма-юз мулоқотлар ва турли масалалар бўйича савол-жавоблар юртдошларимизда “Адолат” СДП ғояларига хайрихоҳлик тобора кучайиб бораётганини яққол кўрсатди.

Иштирокчиларнинг қўллаб-қувватлашидан англаш мумкинки, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг янги Сайловолди дастурида жамиятда адолатлилик принципини таъминлашга доир бир қатор аниқ мақсадли ғоялар халқ дилига яқинлиги билан ҳаётий аҳамият касб этмоқда. Жумладан, дастурда адвокатура мавқеини ошириш, суд босқичида прокурор ва адвокат ваколати тенглигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча маъмурий ишлар фақат суд томонидан кўрилишини тўлақонли жорий қилиш каби мақсадларнинг ўз аксини топганлиги кўпчиликка маъқул бўлиб, партияга ишонч ортмоқда.

— Сайловолди дастуримиз лойиҳасида туман, шаҳар ва вилоят миқёсида фаолият юритаётган фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судларни бирлаштириш, туманлараро фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларни тугатиб, ҳар бир туман ва шаҳарда ихтисослаштирилган ҳолда ушбу тоифа ишларни кўрадиган судьялар фаолият юритишини белгилаш таклифи илгари сурилмоқда, — деди партия Сиёсий Кенгаши юристи Б.Иброҳимов. — Бундай тартиб орқали фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юриши барҳам топишига эришилади. Адвокатура фаолиятини кучайтириш, адвокатлар сонини оширишга партиямиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Адвокатура фаолиятининг бугунги ҳолати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давр талабига мос натижаларга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида билади. Инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини чекловчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни қоралайди. Зеро, адолат ҳаётимизнинг бош мезони бўлиши керак.

Элликқалъада ўтказилган акция иштирокчилари “Прокурор ва адвокат ваколати тенг бўлсин!” деган таклифни ўртага ташлаб, партия ғояларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Юзма-юз мулоқотлар ва савол-жавоблар юртдошларимизда “Адолат” СДП ғояларига хайрихоҳлик тобора кучайиб бораётганини акс эттирди.

Эл севган санъаткорлар, эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.




**Самарқанд.** Каттақўрғон шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ва вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида “Биз адолат тарафдоримиз” шиори остида “Адолат” сайли бўлиб ўтди.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик ишлари доирасида Каттақўрғон шаҳридаги марказий ўйингоҳда ўтказилган мазкур тадбир йиғилганларни эзгу мақсадлар учун бирлаштирди. Очиқ осмон остидаги юзма-юз учрашувда кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар, маҳалла фаоллари жам бўлди.

“Адолат” сайлининг кириш қисми митинг тарзида ташкил этилди. Вилоят партия кенгаши раиси Муҳиба Бобобекова, Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи Гулруҳ Агзамова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Тадбир иштирокчилари томонидан соҳаларда АДОЛАТни таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар, аҳолининг эътирозлари очиқ-ойдин айтилди. Хусусан, олий таълим тизимида шартнома тўловларининг оширилиши, стипендиялар миқдорининг туширилиши, халқ таълими тизимида ҳанузгача ўқитувчилар ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётганлик ҳолатлари, дарсликларга тўловлар амалиёти Конституциямизга зид эканлиги, тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалалар кўтарилди.

Муҳими, “Адолат” партияси томонидан кўтарилаётган долзарб лойиҳалар, ҳаётбахш ғоялар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

— Партиямизнинг олий ўқув юртларига квотасиз қабул қилиш ёки шартнома тўловларини пасайтириш каби ташаббуслар билан чиқиши нафақат ёшларнинг, балки ота-оналаримизнинг ҳам кўнглидаги гап бўлди — дейди “Ёш депутатлар” клуби аъзоси Шаҳризода Ҳакимова. — Чунки олий маълумотли бўлиш ҳар биримизнинг мақсадимиз. Мактабни битирган йилиёқ талабалик бахтига муяссар бўлишни ким истамайди, дейсиз?!

Кўтаринки руҳда ўтган сайлда партия фаолиятига оид лавҳалар, “Ёш адолатчилар” қаноти ва “Аёллар қаноти” вакиллари, Каттақўрғон шаҳар Абдулҳамид Мажидий театри жамоасининг саҳналаштирилган чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида сиёсий мавзудаги савол-жавоблар, викторина ўйинлари ҳам барчада қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга, “Адолат” сайлига ташриф буюрган санъаткорларнинг концерт дастурлари тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

**НАВОИЙ.** 8 октябрь куни Қизилтепа туманидаги истироҳат боғида Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши томонидан “Ақлли тиббиёт”ни тарғиб қилиш тарафдоримиз!” шиори остида митинг бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари ва кўп сонли хайрихоҳлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари, блогерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, жами минг нафардан ортиқ киши иштирок этди.

Бўлажак сайловларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан илгари сурилаётган ғоя ва мақсадларни фаол қўллаб-қувватлашда бирдамликни намойиш этишга йўналтирилган ушбу тадбирда долзарб муаммолар ўз ечимини кутаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Митингда Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати масъул ходими Эркин Муҳаммадраҳимов, вилоят партия кенгаши раиси Рустам Ҳайитов сўзга чиқди. Улар ўз нутқларида партия томонидан кўтарилаётган долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш вазифалари янги Сайловолди дастуридан ўрин олганини таъкидладилар.

Митингда кўтарилган долзарб ижтимоий муаммолар иштирокчиларнинг диққатини жалб этди. Жумладан, дори-дармонлар чекка ҳудудларда марказдагига қараганда бир неча маротаба қиммат нархда сотилаётганлиги танқид қилинди. Бу ҳолат дори-дармонларнинг бир неча қўлдан ўтиб сотилиши ва бу ҳол нархлар шакллантирилиши устидан назорат ўрнатилмаганлиги натижасида келиб чиқаётганлигига эътироз билдирилди.

Шунингдек, дорихоналарнинг аксариятида харидорларга фақат касса чеки берилиб, товар чеки берилмайди, энг ёмони, бу каби ҳолатлар умуман назорат қилинмаяпти. Ваҳоланки, айнан дори воситаларининг улгуржи савдосини ташкил этиш ва назорат қилиш функцияси соғлиқни сақлаш вазирлигига, чакана савдони ташкил этиш ва назорат қилиш вазифаси эса тегишли маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилган вазифа ҳисобланади. Негадир улар аксарият ҳолларда ушбу вазифаларини унутиб қўйишмоқда. Шу боис ҳар иккала давлат бошқарув органининг ушбу соҳадаги фаолияти умуман талаб даражасида эмаслиги ҳақли норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан “Ўзбекистон шароитида 16 ёшгача бўлган болалар ўртасида ясситовонлик ва сколиоз касаллигининг кўпайиши, ушбу муаммони ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, унинг ўсиш тенденциясини ўрганиш ҳамда истиқболда унинг олдини олиш” концепцияси ишлаб чиқилган ҳамда ҳукуматга тақдим этилган. Шунга қарамасдан, ҳозирга қадар ҳукумат томонидан бу масалада ҳеч қандай амалий иш қилинмаганлиги митинг иштирокчиларнинг танқидларига сабаб бўлди.

Партия томонидан илгари сурилаётган ҳар бир таклиф, фикр-мулоҳаза тадбир иштирокчилари томонидан фаол қўллаб-қувватланиб, улар “Биз — адолат тарафдоримиз”, “Куч — адолатда”, “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони”, “Адолат — ҳар бир инсон учун” , “Биз — адолатни танладик” ҳамда “Адолатни қўллаб-қувватланг!” каби шиорларни жўр бўлиб айтишди. Иштирокчилар ушбу шиорлар ёзилган махсус паннолар, баннерларни кўтарган ҳолда марш ўтказишди.

Митингда “Ақлли тиббиёт — барча учун!” шиорини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ғояси илгари сурилди. Соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, пулли хизматлар турларини аниқ белгилаш, тиббиёт ходимлари ўртасида коррупцион ҳаракатларни батамом йўқотиш лозимлиги йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари миқдорини ошириш таклифи ҳам бир овоздан маъқулланди.

Вилоят партия кенгаши янги шаклдаги тарғибот тадбирларини вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказишни режалаштирган.

**З.АБДУЛЛАЕВА, А.ЖАЙНАРОВ, М.АБДУЛЛАЕВА, Л.САЙИДОВА,**
**Хоразм, Навоий, Бухоро,**
**Самарқанд вилоятлари кенгаши матбуот котиблари.**
**Анвар ЭРКАЕВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Элликқалъа туман кенгаши раиси**

МУНОСАБАТ

Тил ҳар бир миллатнинг ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган, асрлар давомида унга ҳамнафас бўлган буюк хазинаси ҳисобланади. Инсон тўплаган бойлигидан ажраса, уй-жойи талофатга учраса, соғлиғи ёмонлашса, буларнинг барчасини ўрнига қўйиш мумкин, аммо тилини йўқотса, ўзи ҳам йўқликка маҳкум бўлади.

# “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”

Абдулла Авлоний “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” дейди. Собиқ тузум “ягона совет халқи”ни яратиш учун миллий республикаларда шундай сиёсат олиб бордики, кўп жойларда миллатнинг руҳига зиён етди, тили камситилди, миллий қадриятлари оёқостида қолди. Ҳаммани деярли бир тилда гапириш, бир тилда фикрлаш ва даҳрийча турмуш тарзига бўйсундириш учун қилган мантиқсиз ҳаракатлари, алалоқибат, ўзининг илдизига болта урди.

Тарихнинг бу сабоғини бир зум бўлсин унутмаслигимиз керак. Айни чоғда фарзандлар тарбиясида, таълим тизимида қулоғимизга она алласи бўлиб сингган, бизни дунёга, дунёни бизга танитган тилимизга муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслиги керак, уни жон янглиғ асраб-авайлаш, ривожлантириш, мавқеига гард юқтирмаслик ҳар биримизнинг миллат, жамият ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Улуғ аждодлардан мерос бўлиб қолган бу буюк хазинада миллатнинг руҳи, қалби, маънавий-ахлоқий қарашлари, ота-боболарнинг ушалмаган армонлари ҳамда неча минг йилликлар синовидан ўтган миллий қадриятлари ўз ифодасини топади. Бу дунёда мукаммал нутқ, ёқимли сўзлашув одоби, юксак муомала маданияти ва қойим талаффуз орқали ифодалаб бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бир оғиз ширин сўз билан не-не муаммоларни ҳал этиш, одамларни, миллатларни ва ҳатто йирик-йирик давлатларни бир-бирига дўст, ҳамкор қилиш мумкин. Тилнинг мўъжизалиги шундаки, инсон ўзининг жамики фазилатларини равон тили орқали кўрсата олади.

Дунёда уч мингдан ортиқ катта-кичик, ривожланган, сўзлашувчилари озайиб, йўқолиб бораётган тиллар, лаҳжалар бор, уларнинг ҳаммасини ўзлаштириш қийин. Бироқ тилнинг мўъжизавий қудрати шундаки, киши ўзи учун мутлақо бегона тилдаги сўзлашувни ёхуд қўшиқни тинглар экан, шу миллат ҳақида, унинг ҳаёти, турмуш тарзи тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлади.

Миллий тил ўз-ўзидан шаклланмайди, неча-неча асрлар, давру замонлар бағрида вояга етади. Бунинг учун у ҳамиша фаол муомалада, ҳаракатда, қайралишда бўлмоғи керак. Ҳаракатсиз тил қотиб қолади. Тилга эътибор халқнинг турмуш тарзи, фикри-зикри, онг-тафаккури ривожи, миллий ғурур билан уйғун бўлиши зарур. Дунёда кўп тиллилик мавжуд экан, уларнинг барчаси ҳам яшашга, ривожланишга ҳақли. Аммо бир тилнинг баланд мақоми иккинчи бир тилнинг камситилиши ҳисобига бўлмаслиги, бир тил иккинчи тилни муомала майдонидан суриб чиқармаслиги керак.

Бугун дунёвий тараққиёт ёшларни бир неча тилларни мукаммал билишга, бошқа тилларда ёзилган, бошқа алифболарда ифодаланган манбалардан ҳам унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Аммо ўзга тилларни ўрганиш она тилига эътиборнинг сусайишига олиб келмаслиги керак. **Руҳшунос олимлар она тилини унутиш жиноий хатти-ҳаракатларнинг кучайишига олиб келишини аллақачон исботлаб берганлар.**

Тилимиз узоқ давом этган маънавий инқироз йилларида расмий муомалада сезиларли даражада сусайган бўлса-да, бойлиги ва жозибасини йўқотмади, таъсир кучини сақлаб қолди. Истиқлол шарофати билан давлат мақоми даражасига кўтарилди. Бугун барчамиз ушбу инқилобий ўзгаришнинг 30 йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлашга бел боғлаб турибмиз.

Истиқлол йилларида тилимизнинг нуфузини ошириш, қўлланиш, ҳаракат майдонини кенгайтириш, халқаро миқёсда фаол ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мулоқот воситасига айлантириш борасида кўп ибратли ишлар қилинди. Бироқ, эътироф этиш керакки, давлат тилини қўллаш, уни ўрганиш ва ривожлантириш, қонун талабларига риоя қилиш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши, сунъий муаммоларнинг ечими топилиши керак. Чунончи, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, телевидение ва радиода сўз ва ибораларни тўғри қўллаш ва талаффуз қилиш, реклама матнларидаги саводсизликка барҳам бериш, буни писанд қилмаётганларга нисбатан маънавий таъсир чораларини қўллаш зарур.

Катта чорраҳада “*Сиз пловни севасизми*?” деб ёзиб қўйилибди. Бошқа бир жойда хоналарда ўрнатиладиган кондиционер реклама қилиниб, “*Иссиқ-совуқ*” қиламиз дейилган. Ҳамма кўради, истеҳзо билан кулади, аммо шаҳар мутасаддилари бу олақуроқ жумлаларни кўришмайди шекилли, миллатнинг шаънига доғ бўлиб тушадиган кўплаб хато ва ғализликлар турган жойида тураверади. Бундай нуқсонлар бугун у қадар аҳамиятли бўлиб туюлмаслиги мумкин. Аммо улар ёш авлод нутқи ва ёзувига кўчганидан кейин тузатиш қийин кечади. Бу — бўрттириш эмас. Ўтган йиллар давомида яхши ишларимиз билан бирга, хатоликларга ҳам йўл қўйдик. Алифбо масаласидаги сусткашлигимиз бугуннинг ўзида қандай “натижа” бераётганини билмоқчи бўлган киши мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари ёзаётган баён ва иншо матнларини, амалиёт ҳисоботларини ўқиб кўрсин, бепарволик оқибатида юзага келган янги сунъий ҳарфлар, бирикма ва иборалар, қисқартмаларни кўрсин. Аҳвол бир мунча ташвишли десак, муболаға бўлмайди, аммо бу нуқсонларга барҳам беришнинг имкони ҳозирча бор.

Тил миллий бойлигимиз, олис ўтмишимиз, келажагимиз, демакки, миллатнинг тақдири, унинг бу ёруғ оламда мавжудлигини ифодаловчи восита экан, унинг таъсирчан мақоми, гўзаллиги ва латофатини сақлаш, келажак авлодларга бус-бутун етказиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз бўлиши керак.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

IPOTEKA BANK

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки мамлакатимиз банк-молия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида мижозларга турли замонавий банк хизматлари кўрсатишда фаоллик билан иш олиб бормоқда.




# Ҳар бир мижоз — бизнес-ҳамкор

“Ипотека-банк” АТИБ тизими асосан, мижозларнинг таклиф-истаклари инобатга олинган ҳолда, “Банк — мижоз учун” шиори остида, банк хизматининг банкка нафлиги мезонида эмас, балки ўз мижозларига қанчалик зарурлиги мезонига таянилган тарзда янги хизматларни тақдим этишга қаратилган. Зеро, банкнинг бош мақсади ўз акциядорлари ва банк мижозлари учун энг юқори даражадаги шароитларни яратишдан, сифатли хизматларни тақдим этишдан, янгича фикрлашга ёндашиб, ижобий муносабатларни барқарор ушлаб туришдан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларига банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ва банк хизматлари ҳамда маҳсулотларнинг янги турларини жорий этиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда “Ипотека-банк” мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишдаги алоҳида иштироки билан ажралиб туради. Бу иштирок иқтисодиётнинг реал сектори-даги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашда, инвестицион характерга эга бўлган кредитлар ҳажмини янада ошириб боришда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш бўйича тўпланган тажрибани янада мустаҳкамлашда, ёш оилалар, қишлоқ ҳудудларида сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашда намоён бўлмоқда.

“Ипотека-банк” ўз фаолиятини ҳар томонлама ривожлантирган ҳолда, айниқса чакана хизматлар кўламини оширишга катта эътибор бермоқда. Бу янги банк хизматлари тақдим этиш ва жорий этиш, чакана банк хизматларига ахборот технологияларини жорий қилиб бориш, аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш бўйича эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, коммунал ташкилотлар билан электрон ахборот алмашувини ташкил қилишда намоён бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Ипотека-банк” тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари босқичма-босқич ва изчиллик билан жорий этилмоқда. Уларнинг турлари кўпайтирилиб, тадбиркорлар ва мижозлар учун молиявий очиқлик даражаси ошиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда, “Ипотека-банк”да Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда трансформация жараёни рўй бермоқда. Бунда, мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида, кўрсатиб келинаётган хизматларни соддалаштириш, масофавий хизматлар сонини ошириш ҳамда жаҳондаги нуфузли банклар андозалари асосида хизматлар сифатини яхшилашга асосий урғу берилмоқда.

Ҳозирги кунда “Ипотека-банк”нинг 39 та филиали, 131 та мини-банки, 493 та жамғарма ва коммунал кассалари, 74 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 107 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси, шундан 34 таси 24/7 кун давомида аҳолига намунали банк хизматларини тақдим этмоқда.

“Ипотека-банк” ходимлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш масканларини тўлов терминаллари билан таъминлаш, уларнинг узлуксиз ишлаши юзасидан тизимли мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш мақсадида “Ипотека-банк” томонидан жами 300 мингтага яқин янги пластик карточкаси муомалага чиқарилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 миллион 748 мингтага етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 352 мингтага кўп ёки 25,3 фоизга ошган.

2019 йил бошидан қўшимча 5 мингдан зиёд терминал ускуналари ўрнатилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига улар сони 32 637 донага етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 979 тага ёки 22,4 фоизга ортди. Ушбу терминал ускуналарининг 25 852 таси савдо ва маиший шохобчаларга ҳамда 6 785 таси жамғарма касса ва мини-банкларга коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун ўрнатилгани эътирофга молик.

Жорий йилнинг 9 ой давомида банк томонидан қўшимча 135 та банкомат ускуналари харид қилинди. Ушбу ускуналар ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ва аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилди. Жорий йил давомида қўшимча яна 180 та банкомат ускуналари харид қилиниб ҳудудларда ўрнатилиши режалаштирилган.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан бугунги кун талабидан келиб чиқиб, мобил дастурларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ипотека-банк ўз мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида, бир қатор янги хизматларни таклиф қилиб келмоқда. Масалан, QR code орқали тўлов ўтказиш, омонатларни электрон жойлаштириш, онлайн-микроқарз ажратиш ҳамда ажратилган кредитларнинг асосий ва фоизларини тўлаш имкониятларини мобил илова орқали мижозларга тақдим этиб келмоқда.

Касса хизматларини универсаллаштириш ва қулай шароитлар миқёсини кенгайтириш йўлида коммунал тўловларни, валюталарни айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари орқали пул маблағларини жўнатиш ёки олиш, омонатлар ва кредитларни расмийлаштириш, пластик карта орқали амалиётларни амалга ошириш каби банк хизматлари сифати яхшиланмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банкнинг Миробод ва Меҳнат мини-банклари 15 соатлик иш тартибига ўтказилди ва мини-банкнинг иш вақти соат $8^{00}$дан $23^{00}$гача белгиланган.

Шунингдек, “Ипотека-банк”да 107 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари мавжуд. Ипотека-банк аҳолига “Western Union”, “Unistream”, “MoneyGram”, “Золотая Корона” ва “Contact” халқаро пул ўтказмалари тизими орқали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк филиаллари депозит базасини ошириш ҳамда филиал омонатчиларига янги жозибадор омонат турларини таклиф этиш орқали аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига кенгроқ жалб қилишни таъминлаш мақсадида “Ипотека-банк” тизимида аҳолига янги бўлган банк хизматларини таклиф этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 августидан қуйидаги омонат турлари жорий этилди:

**“ҲУМО”** муддатли электрон омонати масофадан туриб бошқарилувчи электрон омонат бўлиб, ушбу омонат турига фақат банкнинг мобил иловаси орқали “Электрон ҳамён” ҳисобварағидаги пул маблағлари қабул қилинади. Электрон омонатини сақлаш муддати ҳисобвараққа омонат маблағи келиб тушган санадан кейинги кундан бошлаб 25 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари йиллик 21 фоиз ҳисобидан тўланади. Ушбу муддатли омонат амалда бўлган даврда унга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.

**“ЭЛЕГАНТ”** миллий валютадаги муддатли омонатига пул маблағлари банк филиаллари кассалари орқали жисмоний шахслардан нақд ва нақдсиз пул шаклда (жумладан, жисмоний шахснинг пластик картасидан) қабул қилинади ҳамда омонатчилар ўзларининг банкдаги мавжуд омонат маблағларини ушбу омонатга қайта расмийлаштиришлари мумкин. Омонатнинг сақлаш муддати ҳисобвараққа омонат маблағи келиб тушган санадан кейинги кундан бошлаб 12 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари йиллик 20 (йигирма) фоиз ҳисобидан тўланади. Омонат амалда бўлган даврда унга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.

**“ПРОГРЕСС”** миллий валютадаги муддатли омонатига пул маблағлари банк филиаллари кассалари орқали жисмоний шахслардан нақд ва нақдсиз пул шаклда (жумладан, жисмоний шахснинг пластик картасидан) қабул қилинади ҳамда омонатчилар ўзларининг банкдаги мавжуд омонат маблағларини ушбу омонатга қайта расмийлаштиришлари мумкин. Омонатнинг сақлаш муддати ҳисобвараққа омонат маблағи келиб тушган санадан кейинги кундан бошлаб 4 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатчи томонидан омонатдаги маблағини олиш истаги билдирилмаганда мазкур омонатни кейинги 4 ой муддатга узайтириш (пролонгация) қилиши, омонатнинг иккинчи муддати тугаганидан кейин учинчи муддатга узайтириши мумкин. Бунда омонатнинг жами сақлаш муддати 12 ойгача узайтирилган ҳисобланади. Омонат амалда бўлган даврда унга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.

Омонатнинг сақлаш муддати ҳисобвараққа омонат маблағи келиб тушган санадан кейинги кундан бошлаб 4 (тўрт) ой муддатга йиллик 17 фоиз даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонатчи омонат сақлаш муддати тугагандан кейин пул маблағларини олиш истагини билдирмаганда омонат иккинчи 4 ой муддатга узайтирилган (пролонгация қилинган) ҳисобланади ва кейинги тўрт ойлик муддат учун йиллик 18 фоиз даромад ҳисобланади.

Агар омонатчи томонидан омонат иккинчи 4 ойга узайтирилган муддати тугагандан кейин ҳам пул маблағларини олиш истаги билдирилмаганда, унда омонатни учинчи 4 ой муддатга узайтирилган ҳисобланади ва ушбу муддат учун йиллик 19 фоиз даромад ҳисобланади. Омонатга фоизлар у жамғарма кассага дастлабки омонат маблағи келиб тушган куннинг кейинги кунидан бошлаб, омонатчи ҳисобварағидан ўчирилишидан олдинги кунга қадар ҳисобланади.

“Ипотека-банк” АТИБ тизимида аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган талабларидан келиб чиқиб, истеъмол кредитлари ажратиш механизмини такомиллаштириш, кредитлар ажратилишини самарали ташкил этиш юзасидан мижозларга “Ипотека-банк” билан ҳамкорлик шартномасига эга бўлган ташкилотларнинг савдо нуқталари орқали **“ИМКОНИЯТ”** номли истеъмол кредитларини ажратиш йўлга қўйилди. “Имконият” истеъмол кредити базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқдоридан 100 баробари миқдоригача 12 ойгача бўлган муддатга, йиллик 27 фоиз устама ҳақи тўлаш шарти билан ажратилади.

Банкимиз мижозлари учун қулай ва тезкор расмийлаштириш билан “Ипотека-банк” АТИБ мижози бўлган ташкилотларнинг ходимларига иш ҳақи лойиҳаси доирасида банкнинг мобил иловаси орқали “онлайн-микроқарз” жорий этилди.

“Ипотека-банк” мобил иловаси орқали масофадан туриб, пул маблағларини бериш йўли билан қарз ажратиш шакли ҳисобланади. Бунда қарз олувчи, микроқарз олмоқчи бўлган жисмоний шахс ушбу микроқарзни оферта шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мазкур жараёнда микроқарз бериш тўғрисидаги ёзма шартномага тенглаштирилган электрон оферта шартномаси тузилади. Қарз олувчининг иш ҳақи ҳисоб-китоби учун эмиссия қилинган ва фақатгина “Ипотека-банк” UZCARD пластик картасидан фойдаланилади.

“Ипотека-банк” мобил иловаси — “Ипотека-банк” томонидан **“ОНЛАЙН-МИКРОҚАРЗ”** хизматини онлайн амалга ошириш имкониятини берувчи мобил иловаси саналади.

“Онлайн-микроқарз” қуйидаги шартларда ажратилади:

Биринчидан, ўртача ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдоригача, лекин минимал миқдори 200,0 минг сўм, максимал миқдори эса 10 миллион сўмдан ошмаслиги лозим.

Иккинчидан, 3 ойдан 12 ойгача муддатга берилади.

Учинчидан, йиллик фоиз ставкаси — 34 фоизни ташкил этади.

“Онлайн-микроқарз” олиш учун қарз олувчининг иш ҳақи ҳисоб-китоби учун эмиссия қилинган банк пластик картаси банкнинг мобил иловасига уланган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

“Онлайн-микроқарз” жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ажратилади.

“Онлайн-микроқарз” қуйидаги талабларга жавоб берувчи жисмоний шахсларга ажратилади:

- жисмоний шахс мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган фуқарога;
- “Ипотека-банк” мижози, иш ҳақи лойиҳаси иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг ходимларига,
- банк пластик картасига охирги 6 ой давомида (ариза берилган ойни ва ушбу охирги 6 ой давомида 2 та тўлов ўртасида 60 иш кунигача узилишга рухсат берилади, фақат охирги ойда тўлов тушум бўлиши шарт) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тушумларига эга бўлган жисмоний шахсларга;
- қарз олувчининг жорий кредитлари (микроқарз) бўйича муддати ўтган қарздорликлари йўқ жисмоний шахсларга.

*Яқинда “Пойтахт” бизнес марказида “Ипотека банк” АТИБ томонидан журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида масофавий банк хизматларига доир ва бошқа янгиликлар ҳақида батафсил сўз юритилди.*

*Тадбирда журналистлар бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга банк мутахассисларидан жавоб олишди.*

**Дилшод КУТЛИЕВ,**
**“Ипотека-банк” АТИБ Чакана хизматлар департаменти директори**

Реклама ҳуқуқи асосида

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (132); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (132); 90 *900-72-15*

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1000.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 1877
Босишга топшириш вақти — 01.45
Босишга топширилди — 02.20
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6